

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
АҚШГА КЕЛДИ

Хабар берилганидек, 17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессияси тадбирларида иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрига келди.

Аэропортда олий мартабали меҳмонни Нью-Йорк шаҳри мэри Эрик Адамс, АҚШ — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Каролин Лэмм ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ташриф дастурига мувофиқ, 19 сентябрь куни давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ялпи сессиясининг умумий мунозараларида нутқ сўзлайди ҳамда минтақавий ва глобал кун

тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи-назарини баён қилади. Йилнинг бош халқаро сиёсий тадбири доирасида Марказий Осиё мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари етакчилари саммити, хорижий давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва АҚШнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан қатор икки томонлама учрашувлар ҳам бўлиб ўтади.

ЎЗА



БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН — БМТ:
УМУМЙ БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ
ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил 19 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясининг умумий муҳокамаларида иштирок этади.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда янги суверен, мустақил давлат сифатида БМТга аъзо бўлди. Мамлакатимиз ушбу универсал халқаро ташкилотга аъзо бўлганидан буён ташкилот ва унинг ихтисослашган муассасалари билан турли соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш, Афғонистонда тинчликни таъминлаш ва мамлакатни тиклаш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал қилиш, хусусан, Орол денгизи инқирози оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, туризмни ривожлантириш ва бошқалар кўп томонлама ҳамкорликнинг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, сўнгги йилларда Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеяси ва ихтисослашган ташкилотлари ишида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-, 75- ва 76-сессияларида, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясининг Олий даражадаги сегментинида маъруза қилди.

2017 йил июнь ойда БМТ Бош қотиби Антониу Гутерришнинг Ўзбекистонга ташрифи ва Президент

Шавкат Мирзиёев билан музокаралари бўлиб ўтган эди. Давлатимиз раҳбари 2017 йил сентябрь ойда Нью-Йорк шаҳрида (АҚШ) ҳамда 2019 йил апрель ойда Пекин шаҳрида (Хитой) "Бир макон, бир йўл" 2-Халқаро форуми доирасида БМТ Бош қотиби билан учрашувлар ўтказди. Мазкур учрашувлар натижасида Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси қабул қилинди ва улар амалга оширилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ойда Бош Ассамблеянинг 72-сессиясидаги умумий муҳокамалардаги иштироки мамлакатимиз билан БМТ ўртасидаги самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди, десак муболага бўлмайди. Ушбу тадбир давомида бир қатор муҳим халқаро ташаббуслар илгари сурилиб, улар сўнгги уч йил давомида муваффақиятли амалга оширилди.

Ўзбекистон етакчиси БМТ минбарида туриб, глобал ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари бўйича қатор муҳим халқаро ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси доирасида олтинчи резолюция ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН|2030
СТРАТЕГИЯСИХАЛҚ МУАЛЛИФЛИГИДАГИ ҲУЖЖАТ
Унда ҳар соҳада янги тенденцияларни
қўллаш мақсади бор

Жорий йил 11 сентябрь куни иккита муҳим ҳужжат — Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар “Ўзбекистон — 2030” стратегияси билан биргаликда 2030.strategy.uz ва davlatdasturi.uz ҳамда Адлия вазирлигининг regulation.uz платформаларига кенг жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди. Лойиҳалар муҳокамаси доирасида 22 миллион фуқаро СМС-хабарнома орқали қамраб олиниб, қарийб 6 миллион фойдаланувчи интернет ва



ижтимоий тармоқлар орқали ҳужжат лойиҳалари билан танишгани, 1 миллионга яқин муносабат билдирилгани аҳолиимизнинг ижтимоий-сиёсий жараёнда фаоллигидан далолат беради.

Лойиҳаларни ишлаб чиқишда хорижий давлатлар, хусусан, Германия,

Франция ва Жанубий Корея каби етакчи давлатларнинг стратегик ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ижобий ютуқлари ва тажрибаси асос сифатида олинган.

▶ Давоми 3-бетда



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

ЭНДИ ЙЎЛ ЯҚИН,
САРФ-ХАРАЖАТ КАМ
103 — ҳудуд ва масофа танламайди

Фарғонада Республика тез тиббий ёрдам маркази вилоят ҳудудий филиали Call марказининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди.

Бу ерда қақирувларни қабул қилувчи ходимлар билан бирга, шифокорлардан иборат махсус тиббий маслаҳат гуруҳлари фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Энди тез ёрдам туман ёки шаҳар чегарасига қараб эмас, балки беморгача бўлган масофага кўра хизмат кўрсатади.

▶ Давоми 5-бетда



ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

Гулноз ТОЖИБОЕВА:
“ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ДУНЁ ЎҚИСИН!”

Бутунги суҳбатдошимиз Гулноз Тожибоева нафақат таржимон ва ёзувчи, балки яхшигина суратлар ҳам чиза олади. Болалар ва ўсмирларга мўлжалланган 13 та китоб муаллифи ва rassomi. ЮНЕСКО қошидаги Бутунжаҳон Ёзувчилар уюшмасининг “Вильям Шекспир” номидagi Халқаро мукофоти совриндори. “Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб” Республика танлови ғолиби. Айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши раиси ўринбосари лавозимида фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, “HUMO” Халқаро эртақлар танловининг бош координатори. Кутилмаганда “Тугл-таржимон”лар ҳақида бошланган одатдаги баҳсимиз бевосита унинг фаолиятидаги ёрқин саҳифаларга кўчар экан, шундай замондошларимиз борлигидан фахрландик.

▶ Давоми 6-бетда



ХУДУДЛАР ҲАЁТИ



ОРЗУ-НИЯТЛАРГА МУНОСИБ... 4




ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ



ИТАЛИЯДА ТЎКИЛГАН КЎЗ ЁШ 5



БУЮКЛАРИМИЗ



БЕРУНИЙ ДАҲОСИГА ТАЪЗИМ 6

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН — БМТ:
УМУМЙ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ
ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Бошланиши 1-бетда

“Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтакавий ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш” (2018 йил июнь), “Маърифат ва диний бағрикенглик” (2018 йил декабрь), “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш” (2019 йил декабрь), “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида” (2021 йил май), “Марказий ва Хива бўйи Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамлаш тўғрисида” (2022 йил июль), “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” (2022 йил декабрь) резолюциялар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан “COVID-19 пандемиясининг ёшлар ҳуқуқларига таъсири тўғрисида” (2021 йил октябрь) ва ЮНЕСКО томонидан эса “Хива жараёни: Марказий Осиёда ҳамкорлиқни янада ривожлантириш” (2021 йил 14-16 сентябрь Хива) резолюциялари қабул қилинди.

Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган давлатларнинг Пандемия давридаги ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги кодекс Ўзбекистоннинг COVID-19га қарши глобал курашга қўшган ҳиссаси сифатида БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати ўлароқ тарқатилди.

Ўзбекистон кўп томонлама ҳамкорлиқнинг янги руҳини қўллаб-қувватлаган ҳолда, аъзо давлатлар билан биргаликда БМТ доирасида кейинчалик қабул қилиш учун Бош Ассамблеянинг бир қатор резолюциялари лойиҳаларини ишлаб чиқмоқда.

1993 йилдан бери Тошкентда БМТ ваколатхонаси фаолият юритяпти. Ўзбекистонда, шунингдек, “БМТ оиласи”ни БМТнинг Тараққиёт дастури (БМТТД), БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТнинг Таълим, фан ва маданият ташкилоти (ЮНЕСКО), БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (БМТ НКБ), БМТнинг Гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича ташкилоти (БМТ аёллар), БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтакавий маркази (МОПДМ), Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО), Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) ва БМТ ТД раҳбарлиги остидаги БМТ кўнгилчилар дастури тақдим этмоқда.

БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO), БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) ва БМТнинг Европа иқтисодий Комиссияси (ЕИК) каби ташкилотлар ҳам БМТ тизими фаолиятига ҳисса қўшмоқда. Жаҳон банки БМТ тизимининг мустақил ихтисослашган муассасаси сифатида ташкилотнинг мамлакатимиздаги фаолиятига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

БМТнинг Ўзбекистонга ривожланиш мақсадларига қўмак бериш бўйича дастури ўрта муддатли истиқболда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш контекстида Ўзбекистон ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлиқнинг самарали воситасидир.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш доирасида сўнгги йилларда Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги олий ва юқори даражадаги сиёсий aloқалар сезиларли даражада фаоллашди.

Ўзбекистон Афғонистонда афғон халқи бошига улкан офатлар олиб келган, бутун минтақа учун жиддий таҳдидлар манбаига айланган кўп йиллик қўнли урушга чек қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз БМТнинг Афғонистоннинг можародан кейинги тикланиш дастурларини амалга оширишга самарали ҳисса қўшмоқда. Хусусан, Ўзбекистон — Афғонистон чегара ҳудудида халқаро гуманитар юкларни етказиб бериш учун кўприк очди, шунингдек, Афғонистонда қўллаб-қувватлаш объектиларини барпо этишга қўмаклашляпти.

Ўзбекистон халқаро ташкилотлар ва айрим давлатларга Афғонистондаги инсонпарварлик фаолиятини Термиз орқали амалга оширишда ҳам ҳар томонлама ёрдам берапти. Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан Афғонистонга инсонпарварлик юкларни марказлаштирилган ва мақсадли етказиб беришни таъминлаш мақсадида Термиз шаҳрида Халқаро кўп функцияли транспорт-логистика хаби ташкил этилди. Термизнинг имкониятларидан БМТнинг Қўнчилар бўйича Олий комиссари бошқармаси ва Жаҳон озиқ-овқат дастури ҳам кенг фойдаланмоқда.

2018 йил март ойда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси якунлари бўйича қабул қилинган Декларация ўша йилнинг апрель ойда БМТ Бош Ассамблеяси ва Ҳавфсизлик



Кенгаши 72-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида эълон қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва Тошкент конференцияси ҳақида маълумот БМТ Бош котибининг 2018 йил сентябрь ойда эълон қилинган “Афғонистондаги вазият ва унинг халқаро тинчлик ва ҳавфсизлик учун оқибатлари” маърузасига киритилди.

2022 йил июль ойда Тошкент шаҳрида Афғонистон бўйича конференция ўтказилиши ҳам Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатда барқарор тинчлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қўшган улкан ҳиссаси бўлди.

Айни пайтда БМТ доирасида Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича халқаро музокаралар гуруҳини тузиш ташаббусини илгари суриш юзасидан ишлар олиб боришмоқда.

Ўзбекистон билан БМТ ўртасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик тобора фаоллашмоқда. Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев эътиборни яна бир ўқир ва зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган сайёравий муаммо — Орол фохиясига қаратиб, жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини “ушбу экологик ҳалокатнинг Марказий Осиёда яшовчи миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш ва Оролбўйи минтақасидаги табиий ҳаётида биологик мувозанатни сақлашга” қаратишга қачирмоқда.

Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси умумий муҳомааларида илгари сурилган ташаббусига мувофиқ, 2018 йилда БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармаси ташкил этилди. Унинг тақдими 2018 йилнинг ноябрь ойда ташкилот Бош котиби Антониу Гутерриш иштирокида ташкилот штаб-квартирасида бўлиб ўтди.

Тақдимот чоғида БМТ раҳбари таъкидлаганидек, “ушбу тузилма маҳаллий аҳоли турмуш шaroитини сезиларли даражада яхшилайди ва Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга ҳисса қўшади”.

Мамлакатимиз ташаббуси билан БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда 2019 йилнинг 24-25 октябрь кунлари Нукус шаҳрида Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш бўйича юқори даражадаги халқаро конференция ўтказилди. Унда 28 давлатдан 250 га яқин иштирокчи, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари қатнашди.

2019 йил 19 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг ялли мажлисида “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш” махсус резолюциясини қабул қилди. Ушбу ташаббус Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил апрель ойда Пекин шаҳрида БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашув чоғида илгари сурилган эди. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ва Марказий Осиёнинг барча бешта давлати номидан тақдим этилган мазкур ҳужжат лойиҳаси БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Ҳужжатга Шимолий ва Лотин Америкаси, Осиё, Африка ва бошқа қитъалардан 50 дан ортиқ давлатлар ҳаммуаллифлиги қилгани Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг долзарблиги халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилганидан далolat беради.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ўзаро ҳамкорлигида диний бағрикенгликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, ёшлар ҳаёти билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТнинг юксак минбаридан туриб сузлаган нутқида Ўзбекистон тақдир тағайнган резолюциянинг асосий мақсади “барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмаклашишдан иборат” эканини таъкидлади. Ҳужжат “баркикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинлиқни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қўмаклашиш”га қаратилган.

Ҳамиятнинг барча жабҳаларида рўй бераётган чуқур ўзгаришларга мувофиқ, Ўзбекистон илк бор 2021-2023 йилларга БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига (ИХҚ) ўз номзодини илгари сурди ва кўпчилик давлатлар ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги энг нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани алоҳида эътиборга лойиқ. 2018 йилда Парижда, 2019 йилда Самарқандда ва 2022 йилда Тошкентда Президент Шавкат Мирзиёев ва ЮНЕСКО бош директори Одри Азуленнинг учрашувлари бўлиб ўтди.

2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Тарихий мерос объектиларини муҳофаза қилиш бўйича Халқаро маслаҳат кўмитаси тузилди. Уша йили Хивада Ўзбекистон ташаббуси билан ЮНЕСКО билан ҳамкорликда “Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро маданий форуми ташкил этилди. Мазкур форум натижасида ишлаб чиқилган “Хива жараёни: Марказий Осиёда ҳамкорлиқни янада ривожлантириш” резолюцияси ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2021 йил ноябрдаги 41-сессиясида бир овоздан қабул қилинди.

2022 йил июль ойда Ўзбекистон тарихида биринчи марта 2022-2026 йилларга мўлжалланган Номодий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро кўмита аъзоси бўлди.

2022 йилнинг 14-16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле, 150 га яқин давлат вакиллари ва халқаро ташкилотлар расмийлари иштирокида ЮНЕСКОнинг Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича иккинчи Бутун-жаҳон конференцияси ўтказилди. 2023 йил 10-24 май кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 216-сессияси якунлари бўйича “Тошкент декларациясини амалга ошириш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг болалар тарбияси масалалари умумбашари тарраққиётга эришишнинг муҳим омили экани тўғрисида”ги резолюцияси бир овоздан қабул қилинди.

Шу кўнға қадар ЮНЕСКОнинг Инсониятнинг номодий маданий мероси Репрезентатив рўйхатида ўзбек маданиятининг 12 элементи киритилган. Жумладан, “Шашмақом”, “Бойсун тумани маданий муҳити”, “Катта ашула”, “Аския”, “Палов ва ош билан боғлиқ анъана ва қадриятлар”, “Наврўз”, Атлас ва адрас таърифлашнинг анъанавий технологияларини сақлаш бўйича Марғилон хунарамчиликни ривожлантириш маркази, “Лазги”, “Миниатюра санъати”, “Бахшичилик”, “Ипакчилик ва тўкув учун анъанавий ипак ишлаб чиқариш” ҳамда “Хўжа Насриддин ҳақидаги латифаларни тақдорлаш анъаналари” каби элементлар Инсониятнинг номодий маданий мероси Репрезентатив рўйхатидан ўрин олган.

Мамлакатимизда халқаро туризм фаол ривожланмоқда. Бунда Ўзбекистон 1993 йилда аъзо бўлган БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Самарқанд шаҳрида Буюк ипак йўлида туризм ривожлантириш бўйича ЮНВТО минтакавий маркази фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида “Ипак йўли” халқаро туризм университети ташкил этилган бўлиб, у энг машур ва нуфузли олий таълим муассасаларидан бири ҳамда Ўзбекистонда туризм соҳасидаги биринчи университет ҳисобланади.

Жорий йил 16-20 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ЮНВТО Бош Ассамблеясининг 25-сессияси бўлиб ўтди.

Шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) билан юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларга қарши кураш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, миллий соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш соҳаларида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон ва ЖССТ ўртасидаги ҳамкорлик асослари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти-нинг Европа минтакавий бюроси ўртасидаги икки йиллик ҳамкорлик шартномаси ҳисобланади.

Ўзбекистон делегациялари Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси ва ЖССТ-нинг Европа минтакавий бюроси сессияларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

2021 йилдан буён ЖССТ мамлакатта соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва уни таҳриба ҳудуди (Сирдарё)да синовдан ўтказиш, шу жумладан, давлат тиббий сугуртасини жорий этишда қўмаклашувчи етакчи ташкилот ҳисобланади.

Сўнгги йилларда БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги фаолияти ҳам сезиларли даражада фаоллашди. 2022 йил ноябрь ойда Тошкент шаҳрида “Замин” халқаро жамоат фонди билан ҳамкорликда Жаҳон болаларини ҳимоя қилиш кўнига бағишланган “Болаларнинг соғлом атроф-муҳитта бўлган ҳуқуқларини таъминлаш” форуми муваффақиятли ўтказилди.

2021 йил 11 февраль куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган ЮНИСЕФ Ижроия кенгаши сессиясида жамғарманинг Ўзбекистон бўйича 2025 йилгача бўлган янги ҳамкорлик дастури тасдиқланди.

Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), Ўзбекистонда аҳоли ва репродуктив саломатлик соҳасидаги дастурларни амалга оширишда БМТ тизимида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда аҳолини рўйхатта олишга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича жамғарма билан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги босқичда ЮНФПанинг бешинчи мамлакат дастури амалга оширилляпти, унинг доирасида репродуктив саломатлик бўйича турли тренинглр, семинарлар, конференциялар ўтказилмоқда. Мамлакатимизда аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этиляпти, шунингдек, клиник протоколларни янгиллаш, тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш, мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

2022 йил ноябрь ойда ЮНФПА билан ҳамкорликда республикада аҳоли масалалари, демографик фан ва тадқиқотларни ривожлантириш бўйича давлат органларининг салоҳиятини ошириш мақсадида Демографик лаборатория ишга туширилди.

Ўзбекистон билан БМТнинг Гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган — “БМТ аёллар” ташкилоти ўртасида ўзаро ҳамкорлик самарали кечаётди. Мазкур тузилма билан биргаликда гендер ва ёшлар масалаларига бағишланган халқаро форум ҳамда конференциялар мунтазам ташкил этиляпти, ихтисослаштирилган йўналишларда лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Ўзбекистонда кейинги йилларда муносиб меҳнат учун шарт-шaroит яратиш, мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам бериш, ишчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиш борасида эришилган ютуқларни юксак баҳолайди. Мамлакатимизда ХМТнинг 20 та конвенцияси, жумладан, 10 та асосий конвенциядан 9 таси ратификация қилинган. ХМТ тавсияларини инобатга олган ҳолда, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири ва Меҳнат кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Айни пайтда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ёшлар, аёллар ва аҳолининг ихтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун таълим, бандлик ва муносиб меҳнат имкониятларини кенгайтириш каби йўналишларни ўз ичига олган “Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган янги Мамлакат дастури” амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) мамлакатимизнинг муҳим ҳамкорлигидан бирига айланди. Айни пайтда Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги aloқаларни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва амалга ошириляпти. ХМТ билан биргаликда республикада меҳнат миграцияси, чегараларни бошқариш, одам савдосига қарши курашиш, меҳнат муҳожирларини ёллаш бўйича мутахассислар малакасини ошириш сингари лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз саъй-ҳаракатлари БМТ раҳбарияти ва аъзо давлатлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Чўнки Ўзбекистон илгари сурётган ташаббуслар глобал ташкилотнинг глобал мақсадларига, жумладан, сайёраимизда тинчлик, барқарорлик ва фаровонлиқни мустаҳкамлаш бўйича Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос келади.

Барқарор тинчликнинг фаол тарафдори ва халқаро майдонда ҳамкорлиқни ҳар томонлама кенгайтириш ташаббускори сифатида Ўзбекистон БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликка доимо катта эътибор қаратиб келади.

Албатта, Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбарларининг жаҳон форумидаги иштироки Ўзбекистонда умуминсоний барқарор тараққиёт йўлида замонамизнинг глобал муаммоларини ҳал этишга хизмат қиладиган янги муҳим ғоя ва ташаббусларни эълон қилиш имконини беради.

АКАДЕМИК
НАИМ КАРИМОВ

Ўзбекистон илм-фани ва адабиёти оғир худойликка учради.

Филология фани соҳасида атоқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Наим Каримов шу йил 17 сентябрь куни 91 ёшида вафот этди.

Н.Каримов 1932 йил 12 декабрда Тошкент шаҳрида туғилди. 1955 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлаб, ушбу олий таълим муассасасининг аспирантурасида таҳсил олди.

Ўз меҳнат фаолиятини 1958 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти)да кичик илмий ходим сифатида бошлаган заҳматқас ва фидойи олим кўп йиллик илмий-иждоий фаолияти давомида мазкур институтида катта ва етакчи илмий ходим, бўлим мудири вазифаларида ишлади. 1962 йилда номзодлик, 1993 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2002-2008 йилларда “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси раиси ҳамда “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи раҳбари, 2008 йилдан ушбу музейнинг етакчи илмий ходими сифатида самарали меҳнат қилиб, мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшди.

Н.Каримов XX аср ўзбек адабиётини ўрганиш бўйича кенг қамровли фундаментал тадқиқот ва изланишлар олиб бориб, ушбу йўналишда ўзига хос мактаб яратди. Хусусан, маърифатпарвар жадидаларнинг ҳаёти ва фаолияти, XX аср ўзбек адабиётининг атоқли намоёндалари иждоий бағишланган қўллаб-қувватлаш ва тадқиқотлари, маърифий романлари ҳамда мингдан ортиқ илмий мақолалари, қатор дарслик ва ўқув қўланмалари адабиётшунослик фанига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Олимнинг мустабид тузум йилларида қатагон этилган фидойи зиёлилари-

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ, С. САЙИДОВ

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ
БИЗНЕС-ФОРУМИДА
ЎНДАН ОРТИҚ ҲУЖЖАТ
ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи арафасида Вашингтонда Ўзбекистон — Америка бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари, саноат бирлашмалари, тижорат банклари, инвестиция тузилмалари раҳбарлари, шунингдек, АҚШнинг АКТ, машинасозлик, қишлоқ ҳўжалиги, енгил саноат, транспорт, банк иши ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи йирик корпорациялари раҳбарлари иштирок этди.

Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари Жамшид Ҳўжаев, инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов, АҚШ — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Каролин Лэмм, АҚШ ЭКСИМ банки президенти Рета Жо Льюис ва Давлат котиби ёрдамчиси ўринбосари Дас Марк Поммерштейн сўзга чиқди.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий aloқалар жадал сурьатлар билан ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг сийсий иродаси, ҳукуматлар ва ишбилармон доираларнинг доимий ҳамкорлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон томони иқтисодиёт, савдо, саноатни ривожлантириш ва сармоявий муҳитни яхшилаш бўйича эришилган муҳим ютуқларни тақдим этди. Хусусан, эркин бозор ва соғлом рақобат механизмлари яратилгани, тадбиркорлиқни фаол қўллаб-қувватлаш, инфратузилмани ривожлантириш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқтисодиётда давлат иштирокининг қисқариши ва кенг қўлламчи хусусийлаштириш жараёнлари бошлангани таъкидланди.

Амалга оширилаётган ислохотлар туфайли Ўзбекистон сармоя киритиш бўйича Америка ишбилармон доиралари учун жозибадор манзилга айланди. Бугунги кўнда Ўзбекистонда АҚШнинг 300 та компанияси фаолият юритмоқда. Бу 2017 йилдаги кўрсаткичдан икки баробар кўп. Автомобиль ишлаб чиқариши — General Motors, қишлоқ ҳўжалиги техникаси ишлаб чиқариш — John Deere, СНН, газ қазиб олиш — Air Products, қишлоқ ҳўжалиги — Silverleaf ва бошқа соҳаларда муваффақиятли одимлар қўзғатишмоқда.

мизнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг илмий-маърифий меросини оммалаштириш борасидаги хизматлари нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатлар илмий жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф этилган.

Серқирра олим жаҳон адабиётининг бир қатор сара асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилиш баробарида, тарихий мавзуларда йигирмага яқин ҳўжжатли фильмлари яратишда ҳам фаол иштирок этди.

Унинг бевосита раҳбарлигида қўллаб-қувватлаш ва докторлари тайёрланган.

Академик Н.Каримовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвонлари, “Эл-юрт хурмати” ордени ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотларига сазовор бўлган эди.

ДАРОМАДНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ 8 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОШИРИШ МУМКИН?



Абдулла ХУРСАНОВ,
“Олмалиқ кон-металлургия
комбинати” АЖ бошқаруви
раиси

Олимпларнинг қайд этишича, сиёсат, стратегия ва тактика — устувор раҳбарлик ва бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ учта мустақил категория ҳисобланади. Уларнинг фарқи шундаки, стратегия тасдиқланган ва амалга ошириш учун қабул қилинган бўлса, унинг жорий қилиниши стратегиялаштириладиган объектнинг маънига айланади. Тактика эса стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича кундалик, жорий режаларни ва уларнинг ечими бўйича тадбирларни тақозо этади. Сиёсат эса, стратегия ва тактиканинг ягона самарали амал қилувчи тизимга агрегация ва интеграция қилинишидир. Ана шу муҳим тамойиллар Президентимизнинг жорий йил 11 сентябрдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида, уни 2023 йилда ўз вақтида ва сифатли амалга оширишнинг чора-тадбирлари белгиланган қарориди ўз инъикосини топган. Стратегиянинг асосий ғояларидан бири, бу барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олишидир.

Шу мақсадда 2030 йилга бориб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2 баробар кўпайтириб, 160 миллиард долларга етказиш, аҳоли қон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳозирги 2 минг 200 доллардан 4 минг долларга ошириш белгиланган. Айни чоғда мазкур муддатда тоғ-кон саноатида ҳам юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали юқори даромадли маҳсулотлар учун зарур бўлган мис ишлаб чиқариш 3,5 баробар, олтинни 1,5 қарра, қумушни 3 марта ошириш учун бор имкониятлар ишга солинад.

Шунингдек, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун 250 миллиард долларлик инвестицияларни ўзлаштириш, жумладан, 110 миллиард доллар хорижий ва 30 миллиард доллар давлат-хусусий шериклик доирасидаги инвестицияларни жалб қилиш, экспорт ҳажмини 2 баробар ошириш ва 45 миллиард долларга етказиш, илгор муҳандислар мактабларининг фаолиятини йўлга қўйиш, йирик корхоналарда ўзларининг касбга тайёрлаш марказлари ташкил этиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ҳудудий корхоналар билан саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш, саноатда “ашил сертификат”лар бозорини ривожлантириш ва “экологик маркировкалаш” амалиётини жорий қилиш каби вазифаларни ҳам қўйилган.

Ушбу мақсадлар “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ фаолияти билан узвий боғлиқ ва қорхонамиз уларнинг бажарилишига салмоқли ҳисса қўиш учун барча асосларга эга. Мисол учун, жорий йилда 4 та йирик инвестиция лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Хусусан, рангли ва қимматбаҳо металлургия ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича лойиҳанинг жорий этилиши маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватини сезиларли даражада оширади. Биринчи босқичда йилга 60 миллион тонна руда ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган карьер, 60 миллион тонна мисни қайта ишлашчи 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилади, янги металлургия мажмуасини қуриш ишлари бошланади. Натижада комби-

Стратегия — юнунча “strategos” сўзидан олинган бўлиб, “генералнинг санъати” маъносини билдиради. ХХІ асрга келиб, бу атаманинг моҳияти анча кенгайди. У дунё микёсида ва давлат ички ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқа соҳаларда вужудга келадиган вазиятларни прогностлаштириш ва баргараф этишга қаратилган бошқарувни ташкил этиш масалаларига доир тушунчаларни ҳам қамраб олди.

нат қуввати мис катоди ишлаб чиқариш бўйича 300 минг тоннага етказилади, олтин ишлаб чиқариш 2,2 баробар, қумуш ишлаб чиқариш 1,3 баробар ошади.

Бугунги кунгача лойиҳа доирасида 500 дан ортқ юқори самарали кон-транспорт техникаси харид қилинди, 100 миллион куб метрдан ортқ кон юзасини очиш ишлари бажарилиди. Бу иш ишлаб чиқариш объеклари: кон-тоғ ишлари учун портловчи моддалар заводи, ташки сув, газ ва электр таъминоти иншоотлари, техникаларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими, маъданни қайта ишлаш ва жойига етказиб бериш конвейер тизими фойдаланишга топширилади.

3- ва 4-мис бойитиш фабрикаларининг фойдаланишга топширилиши натижасида комбинатнинг маъданни қайта ишлаш бўйича умумий қуввати 160 миллион тоннага етказилади. Бу — Чили, Перу, Мексика ва АҚШдаги энг йирик корхоналар қувватидан юқори. Яна бир муҳим кўрсаткич — 11 минг иш ўрни яратилди.

Мазкур мегагойиҳани амалга ошириш эвазига комбинатимиз жаҳонда тоғ-жинслари массасини қазиш бўйича 16-ўриндан 1-ўринга, маъданни қайта ишлаш ҳажми бўйича ҳам 25-ўриндан



1-ўринга қўтарилади. Мис ишлаб чиқариш бўйича эса энг йирик ишлаб чиқарувчиларнинг қучли ўнлигига кирди. Яна ҳам аниқроқ айтганда, 2030 йилга бориб комбинатда мис ишлаб чиқариш ҳажми 500 минг тоннага олиб чиқилади, олтин 2,9 баробар, қумуш 1,7 баробар ошиши кўтилган. Агар бунди пулга қасас, унинг йиллик даромади 8 миллиард доллардан ошади.

Мис саноат кластерини ривожлантириш ва қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўғрисида бу борада олинадиган даромадлар миқдорининг яна бир неча баробарга ўсиши таъминланади. Минтақа, қолаверса, вилоят инфратузилмасини ривожланади.

Ушбу даврга келиб ташқи бозорларда мисга бўлган талаб 40 фоизга ўсиши кўтилмоқда. Бу, ўз навбатида, бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган мис катодларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни қўлиш заруратини юзага келтиради.

Ҳозирги кунда мис сотишдан тушган даромадлар тахминан 2,5 миллиард долларни ташкил этади. Агар уни ишлаб чиқариш 400 минг тоннагача оширилса, яқин беш йил ичида ушбу кўрсаткич, ўзаро боғлиқ тармоқларни ҳисобга олган ҳолда 7-8 миллиард доллар атрофида бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, стратегияда рақамлаштириш технологияларини жорий қилиш мақсадларига эришишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Аслини олганда, бугунги тезкор замонда рақамлаштириш, IT технологияларисиз келажакни тасаввур этиб бўлмайди. Комбинатда ҳам рақамлаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича кейинги икки йилда 80 дан ортқ лойиҳа ва вазифаларни амалга ошириш белгиланган эди. Ҳозирда шундан 66 таси амалиётга жорий этилди. Ушбу йўналишда ишлаш жадал суръатда

давом эттирилади ва 2025 йилга келиб комбинатдаги барча соҳалар тўлиқ рақамлаштирилади.

Шу билан бирга, маҳаллийлаштириш орқали импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Бунда “шатакка олиш” механизмидан ҳам самарали фойдаланяпмиз. Ушбу тизим орқали “Олмалиқ қуёв механика заводи” МЧЖ ташкил этилиб, 40 турдаги қуйма маҳсулотни ўзлаштириш ишлари бошланган.

Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 2024 йилдан бошлаб кимёвий чидамкор шиша толали маҳсулотлар, янги турдаги саноат электр двигателлари, мисни чуқур қайта ишлаш ва қуқун саноатини ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги глобаллашув ва бозор иқтисодиёти шароитида салоҳиятли, билимли, масъулиятли, рақобатбардош кадрларни камол топтириш ҳар қачонгидан долзарб масалага айланган. Ҳар қандай корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида юксак малакали кадрлар муҳим ўрин тутуши ҳеч кимга сир эмас.

Комбинатда юқори малакали кадрлар тайёрлашни самарали бошқариш

ва давр талабларига мувофиқ рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш мақсадида бир қатор хорижий давлатларнинг муҳандислар тайёрлаш марказлари фаолиятини ўрганган ҳолда, замонавий муҳандислик мактаби ташкил этилмоқда. Бу мактаб Германиянинг “Augubis AG” компанияси тренинг маркази намунаси асосида фаолият олиб боради. Мактабда геология, маркшейдерлик, кончилик иши, бойитиш, металлургия, механика, энергетика, кон саноати транспортлари, автоматлаштириш каби таълим йўналишлари бўйича тингловчилар ўқитилади.

Машгулотларда тингловчилар Австралия, Канада, Осиё ва Европа давлатларининг етакчи компаниялари технологияларини ўрганган. Назарий таълим янги педагогик технологиялар асосида ташкил этилади. Муҳандислик мактабида мутахассислар 6-10 ой муддатда қайта таъхассислади. Бир ўқув курсига 160 нафар тингловчини қабул қилиш режалаштирилган.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, бу мактабда тингловчиларга дарсларни дунёнинг саноати ривожланган давлатлари олим-мутахассислари ва ўқитувчилари ўтади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган барча вазифалар муваффақиятли бажарилиши натижасида яқин келажакда мамлакатимиз даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлардан бирига айланади.

Давлатимиз раҳбари инсон манфаати устувор бўлишини юртимизнинг асосий сиёсати, деб қарайди. Ана шу устувор сиёсатга ҳамоҳанг ҳолда, комбинатимиз аҳли ҳам янгидан-янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб, иш ўринларини шакллантирган ҳолда аҳоли фаровонлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади.

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИ 5 ТА ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА 100 ТА МАҚСАДНИ ЎЗ ИЧИГА ҚАМРАБ ОЛДИ. СТРАТЕГИЯНИНГ БИРИНЧИ ЙЎНАЛИШИ ҲАР БИР ИНСОНГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ, ДЕБ НОМЛАНИБ, 44 ТА МАҚСАД АКС ЭТГАН. МАЗКУР УСТУВОР ЙЎНАЛИШ СТРАТЕГИЯНИНГ ЭНГ КАТТА ҚИСМИ САНАЛАДИ. УНДА ТАЪЛИМ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ, ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ, ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА СПОРТ, МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МАДАНИЯТ СОҲАЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА ИСЛОҲОТЛАР НАЗАРДА ТУТИЛГАН.

ХАЛҚ МУАЛЛИФЛИГИДАГИ ХУЖЖАТ

Унда ҳар соҳада янги тенденцияларни қўллаш мақсади бор



Анваржон МИРКОМИЛОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази бўлим бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Жорий йил 11 август куни БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан бирга халқаро маслаҳатлашув ташкил қилиниб, стратегия лойиҳаси халқаро экспертизадан ўтказилди.

Кенг жамоатчилик ва экспертлик муҳокамалари натижасида билдирилган ташаббус ва фикр-мулоҳазалар асосида 100 га яқин концептуал ҳамда миндан зиёд аниқлик қиритувчи ва таҳририй таклифлар лойиҳаларда акс эттирилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси 5 та йўналиш бўйича 100 та мақсадни ўз ичига қамраб олди. Стратегиянинг биринчи йўналиши ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш, деб номланиб, 44 та мақсад акс этган. Мазкур устувор йўналиш стратегиянинг энг катта қисми саналади. Унда таълим, аҳоли саломатлиги, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва камбағалликни қисқартириш, ёшларга оид давлат сиёсати ва спорт, маънавий тараққиётни таъминлаш ва маданият соҳаларини янги босқичга олиб чиқиш бўйича ислотлар назарда тутилган.

Иккинчи устувор йўналиш барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган ва 17 та мақсаддан иборат.

Учинчи устувор йўналиш сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлиб, унда 12 та мақсад назарда тутилган. Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ислотларни амалга ошириш белгиланган.

Тўртинчи устувор йўналиш қонун устуворлигини таъминлаш, “халқ хизматидаги” давлат бошқарувини ташкил этиш, деб номланади ва 16 та мақсадни қамраб олган. Унда, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш ва жамоатчилик бошқарувини такомиллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислотларни амалга ошириш назарда тутилган.

Бешинчи йўналиш “хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш бўлиб, у 11 та мақсаддан иборат. Унда очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш бўйича ислотлар ўз ифодасини топган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг аввалги стратегиялардан фарқи жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади. Биринчидан, унда мақсадли кўрсаткичлар (яъни тегишли соҳадаги бугунги ҳолат ва келгусида эришиладиган натижа) белгиланган.

Иккинчидан, мазкур мақсадга эришиш учун қабул қилиниши режалаштириладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар номлари қайд этилган. Учинчидан, белгиланган мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва масъул идоралар аниқ қайд этилган. Биз қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналишида белгиланган вазифалар мазмун-моҳияти ва аҳамиятининг айрим жиҳатларига тўхталмоқчимиз.

Сўнгги йилларда маҳалла институтининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ортди. Шу нуқтаи назардан, маҳаллани жамоатчилик ҳамда давлат органлари ўртасидаги “таянч қўприк”га айлантириш ҳужжатнинг 74-мақсадида ўз ифодасини топган. Бунда аҳоли ташаббуси билан инфра-тузилмани яхшилашга ажратиладиган маблағларни 24 триллион сўмга етказиш вазифаси белгиланган. Маълумот ўрнида қайд этиш зарурки, бугунги кунда “Ташаббуси бюджет” лойиҳаси доирасида ажратиладиган маблағ 8 триллион сўмни ташкил қилаётган бўлса, 2024 йил давлат бюджетидан 10 триллион сўм, шундан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари учун камида 4 триллион сўм йўналтирилади.

Шунингдек, ушбу йўналишда амалга оширилиши белгиланаётган эътиборли вазифалардан бири ҳокимларнинг маҳаллий кенгашга раҳбарлик қилиш амалиётини тўлиқ бекор қилиб, кенгаш раисининг ҳуқуқий макъом, асосий вазифа ва функциялари ҳамда жавобгарлик доирасини аниқ белгилаш режалаштирилган. Мазкур амалиётнинг



жорий қилиниши ҳокимиятлар бўлиниш принципига тўлиқ мос бўлиб, улар ўртасидаги манфаатлар мувозанати таъминланиши ва ижро ҳокимияти раҳбарининг вакиллик органи олдида ҳисобдорлигини таъминлаш учун муҳим ўзгаришлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ушбу йўналишдаги ислотлардан яна бири, бу — вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги ҳокимликлар вазифа ва функцияларининг аниқ чегарасини белгилаш. Бу амалиётда учрайдиган баъзи тушунмовчилик ва ноаниқликлар бартараф этилиши учун муҳим қадамлардан бири бўлиши шубҳасиз. Айни шу мақсадда белгиланган вазифалардан яна бири, маҳаллий ижро ҳокимияти органларини демократик тамойиллар асосида шакллантириш, уларни муддатидан олдин лавозимидан озод этишининг ҳуқуқий асосларини яратиш вазифаси бўлиб, унинг механизми қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ифода этилади.

Стратегия лойиҳасида илгари сурилган муҳим ташаббуслардан яна бирига алоҳида тўхталиш жоиз.

“Сервис давлат” тизимини жорий қилиш мақсадида Электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини 100 фоизгача, my.gov.uz портали орқали кўрсатиладиган хизматлар улушини 50 фоизгача етказиш, композит ва проактив тарзда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини камида 40 тага ошириш, камида 300 та давлат хизматларини хусусий секторга ўтказиш вазифалари белгиланган. Ушбу чора-тадбирлар давлат хизматлари кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Миллий стратегиясида белгиланган вазифаларнинг мантиқий давомии ҳисобланади.

Эътиборли жиҳати, мазкур устувор йўналиш доирасида қонунчиликни ихчамлаштириш ишлари бўйича қатор вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган. Хусусан, маҳаллий кенгашлар фаолиятига оид 500 дан ортқ ва ҳокимликлар фаолиятига оид яна шунча қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг аниқ чегараларини қайд этиш орқали улар сонини кескин қисқартириш белгиланди. Бу жараёнда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиёти чуқур ўрганилиб, сўнгра улар сонини қисқартириш мақсадида мувофиқ.

Ҳужжатда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунда асосий ўзгаришлардан бири сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш мақсадида вакиллик органларига сайловнинг аралаш (мажоритар-пропорцио-

нал) тизимини жорий қилиш вазифаси белгиланганини қайд этиш ўринли.

Сайловларни мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларини ўй-ғунлаштирган ҳолда аралаш сайлов тизими асосида ўтказиш, яъни вакиллик органларига депутатларнинг ярмини бир мандатли сайлов округлари, қолган ярмини партиялар рўйхати асосида шакллантириш ҳисобланади. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими мажоритар сайлов тизимига асосланган. Маълумот ўрнида айтиш кераки, аралаш сайлов тизими Россия, Германия, Болгария, Мексика, Грузия, Литва, Италия ва бошқа давлатларда мавжуд.

Мухтасар айтганда, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси халқ муаллифлигидаги тарихий ҳужжат бўлиб, унда яқин ва ўрта истикболда давлатимизнинг турли соҳалардаги ривожланиш тенденциялари акс эттирилди. Мазкур ҳужжатда белгиланган мақсадлар ижросини таъминлашда давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларига бирдек масъулият ва саъй-ҳаракатларни юклайди.



ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ТЕХНИКАЛАРИМИНИ ИЖАРАГА БЕРСАМ ХАМ РЎЗҒОРИМГА ОЙИГА ЮЗ МИЛЛИОНЛАБ СЎМ ДАРОМАД КЕЛАДИ

Мохир тadbиркор Неъмат Эргашевни Сурхондарёда ишчан рахбар сифатида яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Чунки у бошлиқ “Фахриддин” МЧЖ бунёдкорлари 18 йилдан бери вилоятдаги ирригация ва мелiorация объектларида иш бажармоқда. Бепоеъ далалар, мевали боғлар ва тоқзорларни сув билан таъминлайдиган канал, ҳавза ва ариқларни лойқаю чиқиндилардан тозалаш, экин суғориш жараёнида эрга сингадиган зах сувни қочиришга хизмат қилувчи зовурларни таъмирлаш бир қарашда жўн ишдек туюлади. Лекин соҳани тушунадиган мутахассис бўлмаса, ишни эплаш қийин.

Неъмат Эргашев Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битирган. Меҳнат фаолиятини собиқ “Сурхонистрой” трестининг Жарқўрғон туманидаги кўча жамланмасида оддий мутахассисликдан бошлаб рахбарлик даражасигача бўлган йўлни босиб ўтган. Анча вақт Мамаюсуф Холбоев, Нурқобил Турдиев каби тажрибали мутахассислар билан ёнма-ён ишлаб, соҳа сирларини пухта эгаллади.

Мамлакатимизда хусусийлаштириш бошланганда бошқа ташкилотлар қатори у меҳнат қилган кўча жамланмаси ҳам тугатилди. Неъмат ака ўзини четга тортмади. Ишни ташкил қилиш шакли ўзгаргани билан деҳқон бор экан, зироат ўстириш давом этади, ирригация ва мелiorация тармоқларини тозалаш, таъмирлаш, тиклашга эҳтиёж сезилади. Шуни олдиндан билган ёш мутахассис тавakkал қилиб тadbиркор бўлиш ҳаракатида тушди. 2000 йили “Фахриддин” хусусий фирмасини очди.

Ишбилармон одам узокни кўзлайди. Бепарво, лоқайд шахслардан бир қадм олдин юради. Неъмат ака ўзининг, ака-укаларининг сармоysi ҳамда банкдан кредит олиб, тугатилаётган корхоналарнинг яроқли техника воситаларини аукционда сотиб олди. Ишчан, ғайратли, қўлида ҳўнари бор мутахассисларни корхонасига чорлаб, дастлаб шартнома

асосида кичик-кичик объектларни таъмирлаш билан шуғулланди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай республикада ирригация ва мелiorация тармоқларини тозалаш, таъмирлаш, тиклаш ишларига ҳукумат томонидан эътибор кўчади, катта маблағ ажратила бошланди. Чунки узок йиллар мобайнида асосан, бир хил экин — гўза ўстирилаверганидан ерининг мелiorатив ҳолати издан чиқиб, унумдорлиги пасайган, анчадан бери тозаланмаган канал, ариқ, зовурлар лойқаю ҳар хил чиқиндиларга тўлиб, ер ости сизот сув кўтарила бошлаган, шўрланиш кўчадиган, экин ҳосилдорлиги пасайиб кетганди.

Айнан шунда “Фахриддин” хусусий корхонаси жамоасининг кўни тугди. Сабаби, корхонада техника етарли, тажрибали мутахассислар тўпланган эди. Тендерда қатнашиб, Музработ тумани ҳудудига жойлашган “К-5” коллектор-дренаж тармоғини тизимли таъмирлаш, тиклаш лойиҳасидаги ишларни бажаришга киришди. Майда-майда қурилишларни уддалаб юрган жамоа бир-дананига 1 миллиард сўмлик таъмирлаш, тиклаш ишларини қисқа муддатда сифатли адо этгани корхона иқтисодий аҳолини яхшилаш баробарида буюртмачилар назарига тушди. Келгуси йили ишчан ва техникаси етарли жамоага учта объект ишониб топширилди. Утган 18 йил орасида корхона ҳам энига, ҳам бўйига



ХУДУДЛАР ҲАЁТИ

Солланиб оқувчи Норин дарёси ҳақида эшитгансиз, биласиз. Бу дарё номидаги туман ахлининг характери ҳам худди шу дарёдек бағрикенг, шижоатли. Бошқача айтганда, Норин мард ва танги деҳқонлар, ташаббускор тadbиркорлар, билимга чанқоқ ёшлар, ҳар недан ҳикмат излайдиган зиёлилар маскани. Ҳар қарич еридан унумли фойдаланган ва йилда уч марта ҳосил олиб, ўз ташаббусларини оммалаштирганлар ҳам айнан норинликлардир.

Айни пайтда тумандаги 57 та маҳаллада 172 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Тожик, қирғиз, рус, қорақалпоқ, татар ва бошқа миллат вакиллари ўзбеклар билан аҳил-иноқ, қўда-анда бўлиб яшамоқда.

— Туманимиз азалдан илғорлар сафида бўлиб келган. Утган йили ҳам кўп соҳаларда яхши натижаларни қайд этдик, — дейди туман ҳокими Жўрабек Нурматов. — Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 108 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 104,5 фоиз, пудрат ишлари 108,9 фоиз, чакана савдо айланмаси 111,2 фоиз ва хизматлар ҳажми 110,3 фоиз бажарилди. Маҳаллий бюджетнинг ҳаражатлар режаси 154,8 миллиард сўмни ташкил этиб, амалда 159,9 миллиард сўм ёки 103 фоизга молиялаштирилди. Туман маҳаллий бюджетни мabлагли муҳим масалаларни ҳал этишга йўналтирилмоқда.

Туманда бешта кичик саноат зонаси мавжуд ва уларда ишлар шиддат билан кетаётганини алоҳида эътироф этиш керак. Мисол учун, “Ўзбекистон” кичик саноат зонасида қиймати 37 миллиард 400 миллион сўмлик 23 та лойиҳада 532 та янги иш ўрни яратилади. Ҳозиргача 25 миллиард 600 миллион сўмлик 20 та лойиҳа ишга туширилди, 517 та янги иш ўрни очилди. “Ёшлар”, “Тараққиёт”, “Порлоқ”, “Оқолтин” кичик саноат зоналари 2021 йилда ташкил этилган.

“Катта Яйдоқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги “Ёшлар” кичик саноат зонасида трикотаж маҳсулотлар, қурилиш бўёғи, травертин қоришмалари

тайёрланади. “Еттиқашқа” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Тараққиёт” кичик саноат зонасидаги 0,60 гектар майдонда қиймати 20 миллиард 700 миллион сўмлик 10 та лойиҳа жойлаштирилган. Улар ижроси натижасида 242 киши ишли бўлди. 845 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бюджетга 78 миллион сўм солиқ тушумлари тушди. Бугунги кунда тўртта кичик саноат зонасида қурилишлар авжида.

Туманда “Norinteks” МЧЖ очилгач, 300 киши иш билан таъминланди. У ерда 7,5 минг тонна калава ип ишлаб чиқарилади. Маҳаллаларда тadbиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда ҳудуднинг ички имкониятларига эътибор қаратилмоқда.

Юқори Чўжа маҳалласида салкам 5,5 минг киши яшайди.

— Аҳолимиз даромади, асосан, томорқачилик ва иссиқхоначиликдан бўлиб, қўчатчилик анча ривожланган. Бу йўналишни янада кенгайтириш ҳаракатидамиз, — дейди мазкур МФЙ раиси Абдулхамид Валихонов. — Маҳаллада етакчи тadbиркор Абдуносир Пулатовнинг “Олтин замин” томорқа хизматига таяниб, кооперация ташкил этилмиш. Бизда ишсиз одамнинг ўзи йўқ, 13 гектар ерни аукцион орқали 130 кишига тақсимлаб бердик. Улар фаолияти шу кооперация томонидан мувофиқлаштирилади.

Тadbиркор Абдуносир Пулатовнинг айтишича, томорқа хизмати тасарруфидagi 1,2 гектар ерининг 25 сотихига редиска, 10 сотихига картошка, 5 сотихига сабзи, 60 сотихига тарвуз экилган.



кенгайиб, иқтисодий жиҳатдан барқарорлашди. Жамоа аъзолари ҳар йили вилоятнинг бир неча туманида ирригация ва мелiorация тармоқларини реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ҳамда насос станциялари қуришни уддалаб, ирригатор ва мелiorаторлар ишини енгиллатиш билан бирга, деҳқонларнинг экин майдонлари мелiorатив ҳолатини яхшилаш, тўпроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётди.

Ишбилармон Неъмат Эргашев ўтган йиллар давомида эскирган техникадан унумли фойдаланган ҳолда, даромаднинг бир қисmini корхона моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда янги техника харидига сарфлади. Охириги тўрт йилда замонавий ва иш унуми юқори 6 та экскаватор, 3 та бульдозер, қирқ тоннадан ортиқ юк кўтарадиган “Foton”, “Howo” русумли 3 та автомашина кабилар харид қилиниб, автосаройдаги техника сони 25 тага етди. Жамоада 65 нафар устою ҳўнарманд мутахассис ишлайди. Иш кўлами кўпайганда яна 35 нафаргача мавсумий ишчи жалб қилинади.

Неъмат ака ҳодимларига ўта ғамхўр. Қайси объект, у тоғда бўладими, қирдами, ишчиларга уч маҳал текин иссиқ овқат тайёрланади, дам олиш учун вагон уйларида барча шароит муҳайё қилинади. Ишчиларга ҳар ой ўрта ҳисобда 3,5-4 миллион сўмдан маош берилади. Байрамлар ва туғилган кўнларни жамоа раёйли дастурхон атрофида нишонлайди, илғорлар қўшимча рағбатлантирилади. Утган беш йил мобайнида ишчиларнинг 30 нафар ўғил-қизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирган бўлса, контракт-шартнома тўловлари корхона даромадидан қопланади. Агар ҳар бир ходимнинг қарамогига ўртача 4 киши, яъни турмуш ўртоғи, 3 фарзанди борлигини инобатга олсак, корхона бажараётган ишлардан топилаётган даромад ҳисобида 300 жон тўқ ва фаровон яшамоқда.



аканинг мардлиги тутди — чала ишларни корхона даромади ҳисобидан яқунлаб қўя қолди. Томорқаларга сув чиқди, элнинг дуосини олди.

“Фахриддин” МЧЖ жамоасининг бу каби эзгу, ҳайрли ҳоимийлик ишлари кўп. Ҳар йили Неъмат ака ўзи яшайдиган Минор қишлоғидаги ариқ ва зовурларни лойқадан тозалаш ҳамда Жарқўрғон туманидаги бир неча канални таъмирлашга техникани ёрдамга жўнатади, бировдан бир сўм таъма қилмайди. Шу йил эрта баҳорда Жарқўрғон минораси атрофини таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича 150 миллион сўмлик ҳоимийлик ишларини бажарди. Неъмат ака ишхонасида бош мутахассислари билан галдаги вазифаларни режалаштириб турганда қўшни Қўмқўрғон тумани ҳокимлиги вакиллари йўқлаб келишди. Маълум бўлишча, бир фирма тумандаги Гулистон маҳалласини ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳаси бўйича иш бошлаган-у, чала қолдирган. Неъмат ака уларнинг илтимосини ерда қолдирмади: чала ишларни битириш учун жамоа аъзолари ва техника сафарбар қилиниб, 1,2 миллиард сўмлик ҳоимийлик ишлари бажарилди. Уzun туманидаги “Файзова” сув истеъмолчилар уюшмаси ҳудудидagi сел сувларидан ҳўмю қилиш объектида ҳам 650 миллион сўмлик ишни ўз ҳисобидан қилди.

Ҳалқимизда “Кўли очикнинг йўли очик”, деган мақол бор. Саҳий тadbиркор Неъмат Эргашевнинг кўли очиклиги туфайли жамоага йирик-йирик объектлар ишониб топширилаётди. Улар ҳар мавсум вилоятнинг бир неча туманида километрлаб узунлиқдаги очик коллекторлар ва ётиқ-ётиқ дренаж тармоқларини тизимли таъмирлаш, тиклаш юмушларини адо этишаётди. Далилларга эътибор қаратамиз: жорий йилда бунёдкорлар Бойсун тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Работариқ каналини иншоотлари билан реконструкция қилиш ва Ҳангаронсой дарёсидан сув олувчи бош иншоотни тиклаш учун қарийб 6 миллиард сўмлик таъмирлаш ишларини уддалашмоқда.

Бундан ташқари, “Сурхондарёсувқурилишinvest” давлат муассасаси буюртмасига қўра, вилоятдаги муҳим объектлардан бири — Жанубий Сурхон сув омборида 14,5 миллиард сўмлик лойиҳа ишларини амалга оширяпти. Йил бошидан бери сув омборидаги фавқулодда сув чиқариш иншооти дарвозаларини реконструкция қилиш, тўғон бўйлаб қарийб бир километр узунлиқдаги ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғини таъмирлаш, фавқулодда вазият содир бўлганда аҳолига автоматлаштирилган локал хабар бериш тизимини бунёд этиш, пизометрларни таъмирлаш, тиклаш, фавқулодда сув ташлама иншоотини мустаҳкамлаш каби юмушларни давом эттиряпти. Сув омбори 1967 йил фойдаланишга топширилган сув чиқариш иншоотидаги

дарвозаларнинг жиҳозлари эскиргани туфайли Хитойдан зарур эҳтиёт қисмлар келтирилипти. Келгуси йилнинг дастлабки ойларида лойиҳадаги барча ишлар нияосига етказилади.

Шунингдек, жамоа “Сурхондарёсувқурилишinvest” давлат муассасаси буюртмаси бўйича Қизирқ туманида умумий узунлиги 321 километр, лойиҳа баҳоси 7,5 миллиард сўмлик “К-1”, “К-2”, “К-6”, Термиз туманида узунлиги 161,7 километр, лойиҳа қиймати 3 миллиард сўмлик “К-1”, “С-1-3”, Бандихон туманида узунлиги 95 километр, лойиҳа қиймати 2,2 миллиард сўмлик “НК”, “К-11” коллектор-дренаж тармоқларини тизимли таъмирлаш, тиклаш юмушларини уддаламоқда. Ушбу лойиҳаларда белгиланган ишлар ноябрь ойигача тўлиқ нияосига етказилгач, ҳар уч тумандаги 27 минг гектар суғориладиган майдоннинг мелiorатив ҳолати яхшиланиб, тўпроқ унумдорлиги ошиши эвазига ўстириладиган экинлар ҳосилдор бўлади. Ердан олинadиган даромад кўпайиб, рентабеллик кўтарилиши натижасида деҳқонлар турмуши фаровонлашади.

“Фахриддин” МЧЖ жамоаси вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишларида ҳам фаол. Мактаб, бозорлар, маданий-маиший объектлар, замонавий бино ва иншоотлар бунёд этишда ҳам салмоқли ишларни амалга оширяпти. Яқинда Қизирқ туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактаби таъмирини тугатди. Шу тумандаги Истара деҳқон бозори маъмурияти буюртмаси бўйича 18 та замонавий дўкон қурилиши битай деб қолди.

“Фахриддин” МЧЖ вилоятдаги намунали солиқ тўловчи корхоналардан. Утган саккиз ой мобайнида умумий даромаддан маҳаллий бюджет хазинасини тўлдириш учун 1,2 миллиард сўмлик солиқ тўлади.

Қаҳрамониимиз чин маънода тиниб-тинчимас тadbиркор. Бир кун Қўмқўрғон туманидаги объектда бўлса, эртаси Бандихондаги ишларга бош-қош. Яратсам, курсам, деган ҳаракатда. Бу ширин ва машаққатли ташвишлар фақат ўз манфаати учун эмас, юрт учун, эл учун, жамоа аъзолари фаровон турмуш кечирishi учундир.

— Ҳали қиладиган ишларимиз, улўғ ният режаларимиз бисёр, — дейди Неъмат ака. — Сув хўжалиги тармоқларини таъмирлаш жараёнида ўтиш йўлақлари ва затворларни ҳўмюялаш учун бетон қувурлардан фойдаланамиз. Вилоятда темир-бетон қувурлар тайёрланмаслиги туфайли қўшни Қашқадарёдан келтиряпмиз. Шунингдек, ҳозир кўп маҳаллаларда анча вақт илгари электр симлари тортиш учун қўйилган симёғочлар эскирган, улар бетон устунларга алмаштирилмоқда. Яна денг, фермер хўжалиқлари далаларида сув тежовчи технологиялар қўлланилаётгани туфайли электр линияси тортиб келиш мақсадида бетон устунларга талаб ортмоқда. Ҳозир идорамиз ҳудудидagi бўш жойда темир-бетон маҳсулотлари тайёрлаш ҳечини очши чорасини изляпмиз. Режамиз амалга ошса, қўшимча 30 та иш ўрни яратилади.

Усмонали НОРМАТОВ, журналист

ОРЗУ-НИЯТЛАРГА МУНОСИБ...



Бойовул маҳалласининг ўсиш “драйвери” лимончилик. Маҳаллада бир йилда ўртача 2 миллион тўпга яқин лимон қўчати етиштирилади ва қўшни туманлар, вилоятларга ҳам етказиб берилади. Ҳудудда жойлашган касб-ҳўнаар коллежиде Валижон Махмудов номидagi лимончилик мактаби очилди. Уста бoғбон Валижон ота бошлаган анъанани ҳозир унинг ўғли Жасурбек давом эттирмоқда. Айни пайтда хонадонига 500 туп лимон қўчати парваршиланяпти.

Жорий йилда тadbиркорлар учун 84 гектар ерда йирик иссиқхоналар қурилиш кўзда тутилган. “Ўзбекистон” кичик саноат зонасида тadbиркор Қўндухон Ибрагимова 800 миллион сўм банк кредити ҳисобига енгил спорт қийимлари, яъни футболкалар тикиладиган “Норин

касб-ҳўнаар эгаллашга иштиёқи баланд, — дейди туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Носиржон Ҳасанов. — Умумтаълим мактаби битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириш курсаткичлари йилдан-йилга ўсмоқда. Утган ўқув йилда 14-дават ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 6 ўқувчиси мuddатидан қўшни олий таълим муассасаларига ўқишга кирди. Тумандаги мактабларнинг 36 ўқувчиси Жанубий Корея ва Россия университетларига тахсил олиш имтиёзига эга бўлди.

Туманда тadbиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Сектор раҳбарлари хонадонма-хонадон юриб, муаммоларни атрофлича ўрганиб, бартараф этиш чораларини қўряпти. Жорий йилда 500 та тadbиркорлик субъекти очилиб, улар сони 2 минг 527 тага етди. Ҳудудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 266,7 миллиард сўмлик 48 та лойиҳани ишга тушириб, 336 та янги иш ўрни яратиш белгиланган. Йил охиригача мош ва дуққакли экинлар, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга 6,6 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Айни дамда дала ва ҳовлиларда кузги юмушлар қизган паллага кирган. Аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш мақсадида мавжуд 36 минг 86 та хонадондаги 2 минг 212 гектар томорқага тўқсонбости, эртаки ва ўртаки экинлар экиляпти.

Ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, норинликларнинг бугуни ва эртасидан кўнгли тўқ. Чунки дадил интилишлари, орзу-ниятларига муносиб фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Орифжон ЖЎРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ЭНДИ ЙЎЛ ЯҚИН, САРФ-ХАРАЖАТ КАМ 103 — ҳудуд ва масофа танламайди

Бошланиши 1-бетда

Бундан беш-олти йил аввал тез ёрдам машинасини чақириб, соатлаб кутиш, дори-дармон етишмаслиги билан боғлиқ турфа муаммоларга дуч келинарди. Шунинг учун 103 га ишонсизлик пайдо бўлган. Бугун эса бу борадаги иш тизими бутунлай ўзгарган.

Янги Call марказ қурилиши учун маҳаллий бюджетдан 5,7 миллиард сўм маблағ ажратилди. Республика бюджетидан замонавий тез ёрдам машиналари, моддий-техник жиҳозлар олиб берилди. Марказ бир вақтинг ўзида 60 та чақирувни қабул қилиш имкониятига эга.

— Бу ерда кўнғироқларни қабул қилиш ва узатиш ягона тизими ишга туширилди, — дейди Республика тез тиббий ёрдам маркази Фаргона филиали директори ўринбосари Азамат Абдурахмонов. — Хар бир бригада замонавий планшет билан таъминланган. Бу мурожаатларни зудлик билан қабул қилиш, белгиланган манзилга тез етиб бориш ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида жуда қўл келмоқда. Тахлилларга кўра, битта тез тиббий ёрдам бригадасининг чақирув жойига етиб бориш учун ўртача 10-14 дақиқа кетаяпти.

Аҳоли саломатлигини муҳофиза қилиш, касаллиқнинг олдини олиш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ўз натижасини берапти. Жумладан, сурункали касаллиқлар билан оғирган беморлар оилавий поликлиника шифокорлари томонидан мунтазам назоратга олиниши натижасида ўтган йилнинг олти ойига нисбатан бу йилги ярим йиллик чақирувлар сони 22 мингга камайди.

Янги марказ иш сифати ва бошқарувида ҳам тубдан ўзгаришлар юз берди. Илгари битта хизмат турига учта идора раҳбарлик қилган. Яъни тизим автомашиналарига вилот, тиббиёт ходимларига шахар ва туман соғлиқни сақлаш бўлимлари, дори-дармонга эса Республика тез тиббий ёрдам маркази масъул бўлган. Эндиликда барча ишлар бир жамоа зиммасига юкланди. “Дамас” тез тиббий ёрдам машиналари ўрнига замонавий “Volkswagen”, “Hyundai” русумли автомашиналар хизмати йўлга қўйилди. Бундан ташқари, тоғли ҳудудлар учун йўл танламас машиналар, вертолётлар хизмати-дан фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.

Тез тиббий ёрдам ходимлари меҳнатини баҳолаш, рағбатлантиришнинг инновацион тизими ҳам жорий этилди. Энди соҳанинг ҳар бир ходими меҳнати белгиланган меъёрлар асосида даража-лаб борилади. Иш ҳақи эришилган натижаларга қараб туланади.

Тиббиёт кластери

Фарғонада “Meridian” тиббиёт клиникаси таркибига тиббиёт кластери ташкил этилди. 10 та клиника ва битта тиббиёт университети қамраб олган кластер таркибига замонавий лаборатория, таъхис маркази, 120 ўринли шифохона бор. Яқинда радиология бўлими ҳам очилди.

Хусусий секторнинг улуши

Тиббиётда хусусий секторга ҳам кенг имконият берилгани ўзаро рақобат ва иш сифатини оширишда муҳим омили бўляпти. Жумладан, Фарғона вилоятида бундай муассасалар сони 720 тага етди. Эндиликда нафақат шахар ва туман марказлари балки чекка қишлоқларда ҳам замонавий

тиббий хизмат кўрсатиш тармоқлари қури-либ, ишга тушириляпти.

Яқинда Данғара туманида “Ar Rahman” хусусий клиникаси фойдаланишга топширилди. Умумий қиймати 4 миллиард сўмлик инвестиция жалб этилиб, замонавий лаборатория, жароҳлиқ амалиётлари ўтказиш учун шарт-шароит яратилди.

— Клиникамизда ўсмир қизларни соғломлаштириш ва турмушга тайёрлаш йўлга қўйилган, — дейди Фарғона шаҳридаги “Династия” хусусий клиникаси бош шифокори Нигора Абдурахмонова. — Бундан ташқари, кардиология, урология, эндокринология, гастроэнтрология ва генетик текширувлар билан боғлиқ амалиётлар ҳам ўтказамиз.



Ислохотлар натижасида вилотда 91 та оилавий шифокорлик ҳамда 70 та маҳалла тиббий пункти, 11 та оилавий поликлиника ташкил этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Оналик ва болаликни муҳофиза қилиш тизими-ни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Қўқон, Марғилон шаҳарлари ҳамда Бешариқ туманида туманлараро перинатал марказлар иш бошлади. Барча шахар ва туман кўп тармоқли маркази поликлиникалари таркибига болалар бўлимлари ташкил этилди.

Вилотда болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида янги бино қурилиб, онкогематология, болалар кардиохирургия ҳамда нейрохирургия бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди. Натижада ҳомиладор аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада яхшиланиб, оналар ва гўдақлар ўлими билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисалар олди олинляпти.

— Аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида Республика шовшилч тиббий ёрдам маркази Фарғона филиалига сунъий қон айлантириш аппарати ва лапароскопик жамланмалар, вилот яқинида касаллиқлар шифохонаси учун фиброскан аппаратлари харид қилинди, — дейди Фарғона вилоти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдуқанол Тўрақуллов. — Натижада 150

турдаги юқори технологик лапароскопик, тораоскопик ва эндоваскуляр жарроҳлик ва даволаш амалиётлари йўл очилди. Республика ихтисослашган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиалида кардиокарроҳлик ва интервенцион кардиология бўлимлари фаолияти ташкил этилди. Энди юраги хаста беморларда шу ернинг ўзида жарроҳлик амалиёти ўтказиш имконияти туғилди. Шаҳар ва туман тиббиёт бўлимларида терапия, эндокринология, кардиология йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилган. Бу, ўз навбатида, беморларга замонавий диагностика усуллардан фойдаланиш, иш сифатини яхшилаш имкониятини берди. Тиббиёт ходимлари салоҳиятини янада ошириш мақсадида ўттизга яқин шифокор АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Сингапур, Россия, Туркия сингари давлатларнинг нуфузли клиника ва университетларида малака ошириб қайтди. Қўқон шаҳри, Бағдод ва Ёзёнов туманларида туманлараро қўшма шикастланишлар ва юрак қон-томир касаллиқлари марказлари ташкил этилди.

Ака укасига буйрагини берди

Соҳа ривож йўлида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли аъзолар, тўқималар трансплантацияси сингари мураккаб жарроҳлик амалиётларини ҳудудларда ҳам амалга ошириш йўлга қўйилди.

Қўштета туманида яшовчи Раҳматилло Абдуллазизовда бир неча йил олдин сурункали буйрак етишмовчилиги аниқланган эди. Хасталик зўрайиб кетгач, буйрак кўчириб ўтказиш жарроҳлик амалиёти зарур бўлди. Укасига ўз буйрагини бермоқчи бўлган Баҳромжон бундай жарроҳлик фақат хорижда ўтказилса керак, деб ўйлаган экан. Пойтахтдаги клиникаларда зарур тиббий текширувлардан ўтган ака-ука жарроҳлик амалиёти улар яшаётган вилотда ўтказилишини эшитиб, хурсанд бўлди.

— Касаллик ҳақида эшитганимдан сўнг, табиийки, тушунлиққа тушиб қолдим, — дейди Раҳматилло. — Айниқса, даволаниш учун хорижга бориш, жарроҳлик операциеси учун катта маблағ кераклиги ўйлантириб қўйди. Узимизда ҳам бундай мураккаб амалиётлар ўтказилаётганини эшитиб, ҳаётга бўлган умидимиз ортди. Операция муваффақиятли ўтиб, бошқалар қатори соғлом ҳаётга қайтганимдан хурсандим. Бунинг учун, аввало, шифокорларга катта раҳмат.

Сирасини айтганда, замонавий тиббий усуна ва жиҳозлар учун жалб этилаётган инвестициялар ва илмий салоҳиятнинг ортиб бораётгани, беморларнинг узоқ йўл, ортиқча сарф-харажатларсиз ўзлари яшаётган ҳудудда давола-ниш имконияти яратилаётгани минглаб оилаларга мамнунлик улашмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ

ИТАЛИЯДА ТЎКИЛГАН КЎЗ ЁШ ёхуд соғинч ва ифтихор ифодаси

Хар бир инсон “Ўз юртимда яшаб, элу юртимга наф келтирсам, мамлакатим тараққиётига ҳисса қўшсам, ўзимдан бизни ном қолдирсам”, дейди. Бироқ тақдирнинг тадбири эзгиклига ҳамиша мос келавермайди.

Айни пайтда қўллаб қуртдошларимиз хорижда истиқомат қилмоқда: тахсил олмоқда, фаолият юртимда, Ўзбекистон довругини дунёга ёймоқда. Қувонарлиси, бугун уларнинг ҳар бири Ватанимиз ҳақида ўйлайди, янгиликлардан бохабар. Мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар аллақачон уларнинг ҳаётида ҳам из қолдиришга улгурди. Чунки юртимизда бошланган катта ислохотлар хориждаги ватандошларимиз ҳаётига ҳам кўчди: тилимиз, маданиятимиз ва анъаналаримизни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш, ватандошларга маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга кўмаклашилмоқда.

Ватандошларимиз бирлашган жамоат ташкилотлари фаолияти рағбатлантириляпти, уларга хорижда ўзбек миллий маданий марказларини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиляпти. Бу хайри ташаббуслар туфайли хориждаги ватандошларимиз қалбига юрта дахлдорлик ҳисси кучаймоқда. Бунга амалга оширилаётган тадбирлар давомида ватандошларимиз ҳайрату таассуротларидан ҳам сезиш мумкин.

“Ватандошлар” жамоат фонди Италиядаги ватандошларимиз учун ҳам хайри ташаббусга қўл урди. Гап шундаки, фонд томонидан ўрганишлар натижасида мазкур давлатда 1,5 мингга яқин ўзбекистонлик истиқомат қилиб, уларни бир жойга жамлайдиган марказ мавжуд эмаслиги аниқланди. Ватандошларимиз орасида тадбиркорлар, олимлар, шифокорлар, ўқитувчилар, таржимонлар, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари ва талабалар бор. Қўллаб ҳаракатлар натижасида фонд ҳомийлиги ҳамда Ўзбекистоннинг Италиянинг Тоскана ва Умбрия минтақаларидаги фахрий консули Л.Комуччи, фаол ватандош К.Қирғизова билан ҳамкорликда Италияда биринчи ўзбек миллий-маданий маркази низоми ишлаб чиқилиб, мамлакатда расмий рўйхатдан ўтказилди. Марказга буюк аллома Мирзо Улугбек ном берилди.

Италиянинг Флоренция шаҳрида мазкур марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланди. Унда Италияда истиқомат қилаётган ватандошлар, хорижий меҳмонлар, Италия сиёсий доира вакиллари, тадбиркорлар ва хориждаги оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимда фонд томонидан миллий таом — палов улашилди.

Ўзбекистондан ташриф буюрган санъат вакиллари ўз чиқишлари билан иштирок этди.

— Италияга кўчиб келганимизга салкам йигирма йил бўлди, — дейди Саодат Раззоқова. — Биз истиқомат қиладиган Тренто шаҳрида ўзбеклар кам. Шунинг учун ватандошларим дийдорини доим интиқиб кутаман. Ватандан олисда яшасангиз, бунинг устига яқинингизда қўллаб-қувватлайдиган, юртини соғинганда ҳеч йўқ ватандошим дийдорини қўриб, ҳовурум босилсин, дейдиган одамнинг бўлмаса жуда қийин. Бугун кўп йиллик орузимиз ушалади. Энди бизнинг ҳам йилгилиб, тез-тез мулоқот қила оладиган, урф-одатларимиз, миллий байрамларимизни нишонлайдиган марказимиз бор. Фарзандим ўзбек тилида кўпроқ мулоқот қилишига ҳам яхши имконият бўлади. Марказ очилишида қатнашиш учун йўлга чиқар эканман, кўзларимдан ёш тўхтамади. “Наҳотки, Ўзбекистоним олисдаги қора кўзи, фарзанди тақдирини ўйлаб, шундай марказлар очиб берса, ҳатто болаларимиз тақдирини учун қайғурса?!” дея қувонч ёшларим шашқатор бўлди. Бу хайри ишни мен каби хорижда яшаётган ватандошларимиз яхши тушунади. Шу кунларни кўрсатганига Яратганга шукроналар айтийм.

Бу каби илиқ таассуротлар, миннатдорлик ҳисси ҳар бир ватандошимизнинг кўзида, сўзида сезилиб туради.

Тадбирда сўз олган хорижлик меҳмонлар Ўзбекистон халқининг ушқоқлиги, мамлакатнинг кун сайин турли соҳаларда ривожланиб бораётгани, марказнинг очилишига тарихий Ватандан кўмак кўрсатилганини катта эҳтиромга молик тарихий воқеа сифатида баҳолади.

Маросимда Тоскана вилоти ҳокимлиги масъул ходими Эуженно Жанни вилот ҳокимининг ўзбек халқига марказ очилиши ҳамда давлат мустақиллигига бағишланган табригини ўқиб эшиттирди. Маросим давомида марказ очилишида фаоллик кўрсатган ватандошларга “Ватандошлар” жамоат фонднинг ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Фонд томонидан марказга ўзбек тилидаги бадий адабиётлар, миллий чоғлу асбоблари, миллий тўқимачилик ва ҳунармандлик маҳсулотлари тақдим этилди.

Уфоро ҲАБИБУЛЛАЕВА, “Ватандошлар” жамоат фонди ахборот хизмати раҳбари

Италия

ХАЛҚАРО ТАДБИР

КЎҲНА ДОВОН ИЛМ АҲЛИН ЧОРЛАР Марҳаматда илк бор Археология туризм форуми ўтказилди

Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон давлатчилиқ тарихи қадимий Довон давлати тарихи билан узвий мавжуд бўлган Довон Буюк Инпак йўлидаги Шарқ билан Ғарб мамлакатларини бир-бирига боғлаб турувчи муҳим геосиёсий аҳамиятга эга давлат ҳисобланган. Ёзма манбаларга кўра, “Довон диёрида 70 тага катта-кичик шахар бор: аҳолисининг сони бир неча юз мингга етади”. Шаҳарларнинг ичида давлат пойтахти Эрши шахри алоҳида аҳамият касб этган.

Ортиқали ҲУСАНОВ, “Мингтепа маданий-мерос” жамоат фонди раҳбари

Андижон вилоти Марҳамат тумани марказидаги Мингтепа қадимги Эрши шаҳрининг вайронаси ҳисобланади. Кўп асрлик тарихга эга бўлган ушбу ноёб археологик ёдгорлик Фарғона водийсида эг маҳаббатли, мураккаб ва мустақкам ҳимоя тизимига эга бўлган пойтахт шахар экани қайд этилган. Бу қадимий археологик ёдгорлик водий шаҳарсозлик маданиятини кўрсатувчи, яхши

сақланган йирик шахар харобаси экани билан ҳам мамлакатимиз тарихи учун аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил Андижон вилотидаги ташрифи давомида “Кўҳна Довон сирлари” археология туризм форуми ҳар икки йилда Марҳамат туманида ўтказилиши борасида тақлиф берган эди. Шунга кўра, Андижон вилот ҳокимлиги, Маданият ва туризм бошқармаси, Марҳамат туман ҳокимлиги, Самарқанд археология институти ва “Мингтепа-маданий мерос” жамоат фонди томонидан Марҳаматда илк бор ташкил этилган нуфузли

халқаро тадбир иштирокчиларни кел-инги форумга руҳлантирди.

Анжуманда нафақат ўзбекистонлик, балки хорижлик тарихчи ва олимлар ҳам иштирок этди.

Тадбир доирасида “Фарғона водийсининг қадим ва ўрта асрлар археологияси, этнографияси, тарихи муаммолари ва уларнинг таҳлили” мавзусида халқаро илмий-амалий семинар, “Қадимий Довон давлати ҳудуди бўйлаб туризмни ривожлантириш масалалари” туризм форуми ўтказилди. Форум материалларини ўз ичига олган китоб тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Халқаро анжуманининг 1-қисми Марҳаматдаги “Келажак нури” кутубхонасида ўтказилди. Унда “Бобур” халқаро жамоат фонди раҳбари Зокиржон Машрабов, Андижон педагогика институти директори Бахтиёржон Расулов, Яхё Ғуломов номидида Самарқанд археология институти директори ўринбосари Азмиддин Холматов нутқ сўзлади.



Шунингдек, Кўҳна давлат университети, Хитой ижтимоий фанлар академияси Археология институти, Қирғиз — Ўзбек халқаро университети, Ўш давлат университети, Фарғона давлат

университети, “Мингтепа-маданий мерос” жамоат фонди вакилларининг маърузалари тингланди.

Анжуманининг 2-қисмида археолог олимлар ўзбек-хитой қўшма экс-

педицияси раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор Бокижон Матбобоев, Фарғона давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Муҳаммаджон Асимидинов ва Хитой ижтимоий фанлар академияси Археология институти фалсафа доктори Лию Тао Мингтепада олиб борилган археологик тадқиқотлар борасидаги сўнги янгиликлар ҳақида тепалиқнинг ўзида туриб маъруза қилди.

Халқаро тадбир иштирокчилари инфотур доирасида Мингтепа музейи ҳамда марҳаматлик машҳур дорбоз Юнусали Ғозиев хонадонидида этно музейида бўлишди. Қатнашчиларда кўҳна Довон сирлари ҳақидаги қизиқарли маълумотлар катта таассурот қолдирди.

Хитойлик археолог Джун Янгшининг таъкидлашича, Буюк ипак йўлидаги ёдгорликларни ўрганиш Хитой тарихи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Мингтепа қадимги Хитой ва Ғарб давлатлари маданиятининг интеграциялашувини ўрганишда асосий шахар сифатида муҳим роль ўйнайди.

Уйлаимизки, халқаро форум Довон давлати тарихини чуқур ўрганиш, Мингтепа археология ёдгорлигини кенг тадқиқ этиш, Ўзбекистон, умуман, Ўрта Осиё тарихини бойитишга, туризмни тубдан ривожлантиришга хизмат қилади.



Гулноз ТОЖИБОЕВА: “ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ДУНЁ ЎҚИСИН!”

Бошланиши 1-бетда

— Гулноз, аввало, яқиндагина Жанубий Кореяда чоп этилган “Самарқанд — Шарқ марвариди” номли китобингиз билан чин дилдан қутлайман. Сиз ушбу китобда кўпроқ кўхна Самарқанднинг қайси жилоларини, ноёб жиҳатларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдингиз?

— “Самарқанд — Шарқ марвариди” тарихий мавзуда ва янгилаш услубда ёзилган бўлиб, салкам 3000 йиллик тарихга эга кўхна ва навқирон Самарқанд каби тарихий обидалар ҳақида қизиқарли маълумотлар, тарихий ҳикоятларга ўрин берилган. Мен уларни янгилаш визуал қарашлар асосидаги расмлар билан жойлашга ҳаракат қилдим. Ва бу усул корейс ҳамкасбларимга жуда маъқул келди.

Китоб билан танишган корейлик машҳур шоира ва таржимон Сунгрё Хан бир кунги менга кўнғирок қилиб, китобни ўқиб бўлган, “Сизки жаҳидий Кўрагоний” асари ва Улугбек обсерваториясига қизиқиб қолгани, албатта, Самарқанд сафарига боришни режалаштиргани ҳақида тўқинланиб сўзлади. Уша лаҳзаларда шундай ота-боболарим борлигидан яна бир бор фахрланиб кетдим.

XV асрнинг охирида, қисқа муддат шаҳарда ҳукмронлик қилган Заҳрирдин Бобур Самарқандга қўйидагига таъриф беради: “Рубъи масқунда Самарқандча латиф шаҳар қамроқдор. Узуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жазъи меваси ҳуш бўлур. Вале икки мева Самарқанддин машҳурдир: себи Самарқанд ва соҳибий Самарқанд... Самарқанд шаҳри ажаб ораста шахредур... Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар”.

Яна бир корейлик рассом дугонча Чхве Сун ушбу маълумотларни аввал ҳам бошқа бир манбалардан ўқигани, “Самарқанд — Шарқ марвариди” китобини ўқиган, бу кўхна шаҳарга қизиқиши янада ошганини айтди. ЮНЕСКОнинг 2001 йил Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида Самарқанд меъморий-тарихий ёдгорликларнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилгани бежиз эмаслиги, шаҳар ҳудудида 73 та йирик тарихий-меъморий ёдгорлик сақланиб қолганини ҳайрат билан таъкидлаганидан янада қувониб кетдим. Музейларда сақланаётган, бизга тарихдан сўзловчи қадимий бўмлар, виолетларимизнинг гўзал, нақшонкор дўп-пилари, атлас ва адрас матоларимиздан тикилган либослар, сумкалар, маҳоратли заргарлар ишлаган ранг-баранг тақин-чоклар, номодий маданий мерос сифатида ЮНЕСКОга киритилган палов ва бошқа шу каби миллий таомларимиз ҳақида сўз боради. Шу билан бирга, юз фоиз табиий ва илк тайёрланган усулини сақлаб келаётган машҳур Самарқанд қозонининг яратилиш жараёни расмлар ҳамда изоҳларда берилган.

Китобни Жанубий корейлик ўқувчилар, ўсмирлар ва ёшларга мослаштириб, қизиқарли ва содда тилда ёзганман. “Самарқанд — Шарқ марвариди” китобим Жанубий Кореяда мактабларга тарқатилиш режалаштирилган. Мазкур лойиҳадан қўзланган асосий мақсад — Ўзбекистон ва унинг этномаданияти билан хорижлик ёшларни таништириш, қизиқтиришдан иборат. Китобсевар халқлар учун бу мақсадни амалга оширишимизда адабиёт биз ижодкорлар учун катта кўприк вазифасини ўтайди.

— “Жайхун ва Аланга” номли фантастик эртатқиссангизда Марказий Осиё мамлакатларининг фожиясига айланган муаммо — Орол денгизининг қуриши ҳақида сўз боради. Сиз ушбу асарингизда айни муаммога “фантастик ечим”



топишга ҳаракат қилганингиз эътиборини маъруза қилди...

— 2008 йилларда онамнинг компьютерда Орол денгизининг бир қанча расмларига кўзим тушиб қолди. Тўз аралаш кўм уюмлари орасидан тикрайиб чиққан саксовуллар, қумлар орасида ётган кема ва занглаган машиналарнинг расмини кўриб, аввалгига ҳайрон бўлдим. Онамдан сўраб, билдимки, Орол денгизи бир вақтлар баликларга тўла улкан денгиз бўлган экан. Лекин йиллар ўтув қуриб, ўрнида кичик сув ҳавзалари ҳамда кўм уюмлари қолган.

Анча вақт Орол денгизи ҳақида эшитганларим таъсиридан чиқолмай юрдим. “Қани энди мўъжиза содир бўлиб, фантастик асарлардаги каби ақл бовар қилмас бир ечим топилса-ю, Орол денгизи яна сувга тўлса эди”, деб оруз қилдим. Ана шу пайтда ҳаёлимда “фантастик ечим” туғилди ва мен “Жайхун ва Аланга” номли қиссамни ёза бошладим. Қисса рамзий маънода “Жайхун ва Аланга” деб номланган. Жайхун — Амурдарёнинг қадимий номи. Аланга эса Сувнинг азалий душмани — оловлар маликаси Оловбонунинг қизи. Мутлолаа жараёнида қаҳрамонлар Сайхун ва унинг ўғли Жайхуннинг қуриётган Орол денгизини қандай қилиб сувга тўлдиришларини билиб оласиз. 2018 йилда “Жайхун ва Аланга” номли фантастик эртатқиссан китоб ҳолда нашрдан чиқди.

2022 йили Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ташкил этилган “Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб” танловида



“Жайхун ва Аланга” фахрли ўринни эгаллади. Жанубий Корея билан ҳамкорликда ўтказилган Марказий Осиё давлатларининг миф, эртатқ ва қаҳрамонлик эпослари асосида яратилган Халқаро танловда “Жайхун ва Аланга” номли эртатқ-фильм сценарийим биринчи ўринни эгаллади.

— Бугунги кунда нашр қилинаётган барча асарлар ҳам жажжи китобхонлар учун қизиқарли бўляпти, десак бир оз адашган бўламиз. Ўзи умуман, болалар ёзувчилари фақат ижод билан машғул бўлган ҳолда оиласини боқа оладими?

— Ўзбекистонда давлатга қарашли ва хусусий нашриётлар кўп. Ҳар йили юзлаб номдаги таржима асарлар нашр қилинади, табиийки, уларнинг салмоқли қисмини

болаларга аталган китоблар ташкил этади. Афсуски, уларнинг барини ҳам қизиқарли деб бўлмайдими. Чунки уларда болалар ва ўсмирлар учун фойдали маълумотлар деярли йўқ. Қўлаверса, болалар оламининг ўзига хос сеҳри ва етиб бўлмас содда ҳақиқатлари бор. Замон ўтиши билан эса қизиқишлар ва ҳақиқатлар ҳам ўзгаради. Ҳозирги текзор интернет даврининг болаларини майда харфларда босилган, матн қисми худди “ғиш”дек тахланган, оқ-қора рангли беўхшов суратли китобчалар билан қизиқтириб бўлмайдими. 50-60 фоиз ҳолатда болалар бундай матнларни эслаб қолмайдими. Болаларга нафақат мазмунан қизиқарли, балки интерфаол ўйинларга бой, матн ўрнига суратлар “гапирадиган” ранг-баранг китобчалар керак. Китоблар яхши сотилиши учун эса нафақат китобларнинг мазмунини, балки нашр ишларини, рекламани яхшилаш, янги асарлар тақдиротлари ёрдамида муаллифлар ва китоблар орасида алоқалар ўрнатиш, ўқувчиларда китоб танлаш ва ўқиш маданиятини шакллантириш лозим. Шу билан бирга, ота-оналар фарзанди учун китоб танлашни билишлари, фақат чиройли муқовага қараб эмас, балки бир неча саҳифасини ўқиб, сўнгра харид қилишлари керак.

Болалар ёзувчилари ўз ижоди ёрдамида оила боқишига келсак, биз китоб нашри билан боғлиқ бозорнинг ривожланиш палласидимиз. Китоб савдосидан келадиган даромад асосан, нашриётларда қолади, қамдан-қам ҳолларда муаллифларга арзimas даражада қалам ҳақи берилади ёки гонорар ўрнига китоб бериб қўя қолишади. Кўпинча эса болалар адаблари ўз мамлағи ҳисобидан 50-100 дона китоб чиқаришга мажбур бўлады.

Турган гапки, бизнинг 3 нафар ёзувчидан иборат оиламизнинг даромади ҳам китоблардангина ташкил топмайди. Онам ва укамнинг ўз иши бор, менинг асосий фаолиятим эса болалар китобларининг дизайнидан иборат. Болалар адабларининг асарларини таржима қилиш ва хориж нашлаарида қиқариб бериш борасидаги ишларим эса кўнғили бўлиб, шу пайтгача бунинг учун бир сўм ҳам пул олмаганман.

— Сиз ижодкорлар оиласида туғилгансиз. Онамиз Мухаббат Йўлдошеванинг 400 дан ошқ бадийий фильмлари, 20 дан зиёд бадийий китоблари турк, қозоқ, инглиз ва рус тилларидан ўзбек тилига, унлаб ўзбек адабларининг 100 га яқин асарларини рус тилига ўтирганидан хабаримиз бор. Сиз шу кунгача

қандай асарларни таржима қилишга улгургансиз?

— Мен таржима соҳасига 10 ёшда кириб келганман. 4-синф тугаган, ёзи таътил бошланган кунлар эди. Онамдан “Кўчага чиқиб, ўртоқларим билан ўйнасам майлими?” деб сўрадим. Шунда онам қўлимга рус тилидаги болалар китобчаларини тутқазиб, шулардан биронтасини танлаб олиб, ундан бир неча пайти ўзбек тилига таржима қилиб берсам, ўйнашга рўхсат беришларини айтдилар. Мен таржимани ўта жиддий ва кечиктириб бўлмайдиган иш сифатида қабул қиламан, ахир эсимни танганимдан бери онамнинг ёзув машинаси ёнида ўтириб, мақола, ҳикоя ёзаётганини ёки таржима қилаётганларини кўраман-да... Шу боис, гарчи кўчада ўртоқларим кўтиб турганини билсам-да, “Кўлопча” номли рус халқ эртатқини танлаб, дарров ишга киришдим. Ёрқин бўёқли суратлар чизилган эртатқ шунангани қизиқарли эдики, берилиб кетганидан салкам бир бетини таржима қилиб қўйибман...

Таржимонлик соҳасига кириб келганимга 20 йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса, бу давр ичида йигирмадан ошқ бадийий фильм, унлаб бадийий асарларни рус, инглиз, турк тилларидан ўзбекчага ўтирдим. 2018 йилда онамнинг “Ўзбек адабиётини дунё ўқисин” деган шоир остида ўзбек адабиётини чет

элларга тарғиб қилиш мақсадида иш бошлаганимиздан кейин эса ўзбек адабларининг асарларини аслиятдан инглиз ва рус тилларига бадийий таржима қила бошладим. Ғафур Шермухаммадининг ҳикоясини, Мухиддин Абдусамид шёърларини, Мухаббат Йўлдошева ва Хуршид Тожибоев эртатқларини инглиз тилига таржима қилдим, улар Бельгия, Англия ва Покистондаги адабий нашлаарда эълон қилинди. Ўзбек болалар адабларидан Мухаббат Ҳамидова, Зулфия Мўминова, Салим Ашур, Шоди Отамурод, Дилфуза Камолжонова ва бошқа ундан ортиқ ижодкорларнинг асарларини рус тилига таржима қилдим. Улар Россиядаги “Камертон” адабий-тарихий веб-журналида, Украинанинг нуфузли адабий журнали “Автограф”да, ўзимизнинг “Звезда Востока” журналида чоп этилди. “Автограф” журналининг бош муҳаррири Лариса Деминская ўзбек ижодкорларининг асарларини ўзи жуда қизиқтиргани ва уларни рус тилида ўқиш имконияти туғилганидан хурсанд.

Ўзбек адабиётини хорижда тарғиб қилиш мақсадида Бельгия (“Atunis Galaxy Poetry” адабий журнали), Англия (“DASH” адабий журнали), Покистон (“Sindh Courier” адабий журнали), Украина (“Автограф” адабий журнали), Россия (“Камертон” адабий-тарихий веб-журнали), Крим (“Белая Скала” журнали ва “Литературная Крим” газетаси), Қозогистон ва Туркменистон нашрлари билан бир неча йилдан бери ҳамкорлик қиламиз. Шу ўринда айтишим лозимки, хорижлик ноширларнинг айнан ўзбек адабиётига қизиқиши жуда катта. Лекин тавсия этилаётган юзлаб таржималарнинг бари ҳам уларга маъқул бўлавермайдими, асарларнинг аксарияти чоп этилмайди. Бунга ҳар доим ҳам таржиманинг сифати пастлиги сабаб бўлавермайдими. Баъзан ноширларни асарнинг мавзуси, гоёси ёки яқиний ҳулосаси қониқтирмаслиги мумкин. Демак, бугун ижодкордан нафақат таржимонлик маҳорати, балки замон билан ҳамнафас бўлиш, креатив ва танқидий фикрлай олиш қобилияти, ёзаётган мавзусини китобхонга талаб даражасида етказиб бера олиш ҳам талаб этилади.

Мисрлик машҳур журналист ва ношир Ашраф Абул-Язид билан бўлган суҳбатимда у “2016 йилдан бошлаб ‘Илак йўли’ адабий сериясида китоблар нашр эта бошлаганимизда, ушбу лойиҳаларимизда иштирок этган ўзбек адабларининг ҳикоя ва шёърлари замонавий ўзбек адабиёти ҳақида тасаввур ҳосил қилишим учун ёрдам берди”, деб таъкидлаган эди.


Лондонда яшаб, ижод қилувчи бангладешлик шоир ва ношир Акм Абдуллоҳ ўзбек мумтоз адабиётига меҳри ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаб, “Мен ўзбек мумтоз асарларига жуда қизиқман. ‘Алломий’ достонини ўтган асарлар ўзбек адабиётига қўйилган адабий ҳайкал деб ўйламан. Алишер Навоийнинг кўплаб тилларга таржима қилинган ‘Ҳамса’си эса ўзбек адабиётининг энг буюк адабий меросидир”, деган эди.

Ўзбекистон ҳар жабада дунёга юз тутаетган бир пайтда ўзбек адабиётини жаҳонга олиб чиқиш долзарб муаммолардан бири бўлмоқда. Бунинг учун ўзбек адабларининг асарларини бадийий таржима қилиш талаб этилади ва бу борада малакали таржимонларнинг ўрни бежисдир. Биз нафақат жаҳон адабиётининг маромига етказиб таржима қилиб, ўзбек ўқувчиларига тақдим қилишимиз, балки хорижлик ноширларга сифатли таржима етказиб беришимиз тақозо қилиняпти. 40 йилдан ошқ таржимонлик фаолиятига эга бўлган онам “Яхши таржимон бўлиш учун тилни мукаммал билиш етарли эмас. Ёмон таржима билан яхши асарни ўлдирасан, яхши таржима билан ўртамаёна асарга тож кийдирасан”, деб таъкидлашдан қарчамайди.

Асарни ўтиришга киришган таржимон муаллиф ашаган юртни ва замонни, воқеалар ривож қицаётган даврни ҳам билиши керак. Айниқса, мумтоз ёки тарихий асарларни таржима қилиш вақтида турли халқларда мавжуд бўлган одатлар, қарашлар ва шева сўзларини ҳам билиш лозим. Бу, айниқса, ўзбек тилидаги асарларни ўзга тилларга ўтирганда жуда муҳим, илло ҳозирги даврда бунангани билимларнинг тури жуда кўпайиб кетган ва “тўғл-таржимонлик” атамаси юзага келишига сабаб бўлган электрон таржимонлар асло бера олмайдими. 2020 йилда, Covid-19 туфайли карантин авж олган пайтда онам билан биргаликда 3 томли “Ўзбек болалар адабиёти антологияси”ни тузишни бошлагандик. Наср, назм ва таржимадан ташкил топадиган ушбу антологиянинг насрий асарлардан иборат биринчи китобида 50 нафар ўзбек болалар адаблари жамланди, уни нашр этиш учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига топширдик. Айни пайтда ушбу антологиянинг шёърли асарлардан иборат 2 томини йиғиш ва саралаш устида ишляпмиз. 3-том эса аслиятдан ўзбек тилига таржима қилинган асарлардан иборат бўлади.

Бундан ташқари, мен инглиз ва рус тили каби хорижий тиллар борасидаги билимимга корей тилини қўшишга киришдим, укам Хуршид эса турк тилини ўрганяпти. Ҳар соҳада кенг имкониятлар эшиги очилаётган бир даврда, адабиёт аҳлининг тил билимислиги катта муаммо. Шунинг учун, оиламиз билан нафақат ижода, балки таржима санъатида ҳам бир жамоа бўлиб, ўзбек адабиётини жаҳонга олиб чиқишни олий мақсадга айлантирганмиз. Албатта, бундай катта мақсад учун ўз ижодкор сон жиҳатдан озчилик бўлиб қуришни мумкин, лекин доно халқимизда бир мақол бор: “Тома-тома кўл бўлар!”.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Мухтасар ТОЖИМАТОВА суҳбатлашди.



Беруний ДАҲОСИГА ТАЪЗИМ

Буюк мутафаккир, қомусий олим Абу Райхон Беруний фаннинг деярли ҳамма соҳалари билан шугулланди. Шарқнинг бой фан ва маданиятини пухта ўрганиб, юнон илми билан ҳам чўқур танишиб, йирик олим бўлиб етишди. У шоир, адабиётшунос ҳам эди. Она тилидан ташқари араб, сўғд, форс, сурёний, юнон ва қадимги яҳудий тилларини чўқур ўзлаштирган. Кейинчалик Хиндистонда санскрит тилини ўрганди. Ўз илмий асарларидан бирида ёзишча, Беруний 990 йилдан Хоразмнинг Кот шаҳрида муҳим астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро қилган.



Пардагул РАЗЗОҚОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази Беруний тумани бўлини маси раҳбари

“Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-халия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асари Берунийга жуда катта шухрат келтирди, уни фаннинг ҳамма соҳасига қизиқувчи буюк олим эканини кўрсатди. Бундан ташқари, астрономия, метрология тарихига оид 10 дан ортиқ асар ёзди. Берунийнинг “Таҳдид низоёт ал-амония ли тасҳиди масофат ал-масокин” (“Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охири чегараларини аниқлаш” — “Геодезия”), “Мунажжим-лик санъатидан бошлангич тушунчалар” каби асарлари мавжуд. Берунийнинг “Хиндистон” номи билан машҳур “Таҳқиқ мо ли-л-Хинд мин маъқуда фи-л-ақл ав марзула” (“Хиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиغان таълимотларини аниқлаш китоби”) асари 1030 йилда ёзилган бўлиб, у Ғарб ва Шарқ, жумладан, ҳозирги замон ҳинд

БЕРУНИЙДАН ИЛМ-ФАННИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИГА ОИД КўПЛАБ АСАРЛАР ҚОЛГАН. ЮҚОРИДА КўРСАТИБ ЎТИЛГАН ЙИРИК АСАРЛАРИДАН ТАШҚАРИ АСТРОНОМИЯ, АСТРОЛОГИЯ, МАТЕМАТИКА, ГЕОДЕЗИЯ, ГЕОЛОГИЯ, МИНЕРАЛОГИЯ, ГЕОГРАФИЯ, АРИФМЕТИКА, ТИББИЁТ, ФАРМАКОЛОГИЯ, ТАРИХ, ФИЛОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАТОР РИСОЛАЛАР ЯРАТДИ ВА САНСКРИТ ТИЛИДАН АРАБЧАГА, АРАБ ТИЛИДАН САНСКРИТ ТИЛИГА ТАРЖИМЛАР ҚИЛДИ.


олимлари томонидан юксак баҳо-ланган. Академик В.Р.Розен “Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта асрдаги бутун илмий адабиёт орасида бунга тенг келадиган асар йўқ”, деб баҳо берган.

Берунийдан илм-фаннинг турли соҳаларига оид кўплаб асарлар қолган. Юқорида кўрсатиб ўтилган йирик асарлардан ташқари астрономия, астрология, математика, геодезия, география, минералогия, география, арифметика, тиббиёт, фармакогно-зия, тарих, филология масалаларига оид қатор рисолалар яратди ва санскрит тилидан арабчага, араб тилидан санскрит тилига таржималар қилди. Бадий ижод билан ҳам шугулланиб, шёърлар ёзди. “Астрологияга кириш”, “Астрономия қалити”, “Жонни доволочи қуёш китоби”, “Икки хил ҳаракатнинг зарурлиги ҳақида”, “Қўлайтириш

Унда берунийшунос олимлар иштирок этди. Буюк алломанинг рамзий қабрига гуллар қўйилди. Утганлар руҳи ёдга олиниб, Қуръон тиловат қилинди. Кун давомида Беруний туманида алломанинг юбилейига бағишланган тадбирлар ҳамда илмий анжуман бўлиб ўтди.

Конференция давомида Беруний асарлари бўйича илмий изланишлар қиларётган олимлар, ходимларнинг маърузалари тингланди.

2023 йил 25 сентябрь куни буюк бобомизнинг 1050 йиллиги муносабати билан унинг хаёти ва ижоди, жаҳон тамаддун ривожига қўшган улкан ҳиссасига бағишланган халқаро илмий конференция ўтказиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, Беруний асарлари, у ҳақдаги китоблар, расмлар кўргазмалари, гала концерт ташкил этилади.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обуюни расмийлаштирган ташкилот жавобдор. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Боомахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-946. 43555 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси боомахонасида чоп этилди. Боомахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусахҳиш: Малохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 22:00 Топшириқда — 03:10